ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН: МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ФРОНТГА ЁРДАМ (АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА)

Анора Зайниддиновна Тоғаева
Тарих фанлари номзоди ИСФИ доценти
https://doi.org/10.5281/zenodo.15362902

Инсоният тарихидаги энг машъум фожеалардан бири бўлган иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқи ва унинг меҳр-мурувватини яна бир бор синовдан ўтказган эди. Ҳозирги кунда дунё халқларининг урушдан кўрган моддий ва маънавий зиёни анча батафсил ўрганилган. Шунга қарамай, Ўзбекистон ҳудудида сақланаётган ҳамда хориждаги кўплаб янги манбалар уруш тафсилотлари ва оқибатларини янада кенгроқ очиб беришга хизмат қилиши тайин – чунки минг-минглаб архив ҳужжатлари ҳанузгача ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Энг аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳарбий ҳаракатлар чоғида Ўзбекистон ССРга бир миллион бешюз минг аҳоли кўчириб келтирилган ва уларнинг 250 мингдан ортиғини болалар ташкил этган[1].

Уруш бошланган илк даврларданоқ ўзбекистонликлар республика ҳудудига эвакуация қилинган фронтолди ҳудудлари аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг яшаши учун шароит ҳозирлаганлар ҳамда касб-корларига кўра ишга жойлаштиришга ёрдам берганлар. Бу ишларнинг аксарияти расмий жиҳатдан амалга оширилган. Мисол тариқасида, Қарши шаҳар ижроия қўмитаси 1941 йил августда шаҳар савдо бўлимига мурожаат қилиб, фронт ҳудудларидан эвакуация қилинган Ш. Пасковнинг 15 кишидан иборат оиласини озиқ-овқат ва бошқа керакли рўзғор анжомлари билан таъминлашини сўрайди[2].

Архив ҳужжатларида фронт ҳудудидан эвакуация қилинган аҳолидан ташқари, ўз ихтиёрича қочиб келган аҳолини жойлаштиришга оид ҳужжатлар ҳам учрайди. Худди шундай ҳолат Қарши шаҳрида ҳам кўп учраган. Ҳужжатлардан бирида шаҳарга 900 та шундай аҳоли келганлиги, уларнинг сони яна 500-600 тагача кўпайиши ҳисобга олиниб, 1941 йил ноябрда фонд учун ажратиладиган ун ҳажмини 1500 кгга кўпайтириш илтимос қилинган[3].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга келтирилган аҳоли яшаш жойи билан биргаликда иш ўрни билан таъминланган ва рўйхатга олинган. Масалан, 1942 йил 17 январга оид маълумотларга кўра, Тошкент областига келтирилган 79 960 аҳолининг 30 831 тасини эркаклар (шундан 10 273 тасини 7 ёшгача бўлган болалар), 49 129 тасини аёллар (шундан 9 464 тасини 7-15 ёшли қизлар) ташкил этган[4].

Уруш йилларида фронт ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича жуда кўп хайрли ишлар қилинганлиги бугунги кунда жуда

[1] Ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган ҳиссаси. [Матн]. Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор Азамат Зиё. Тошкент. 2023. 3-бет.
[2] Қашқадарё вилоят давлат архиви. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 195-йиғмажилд. 1-варақ.
[3] Қашқадарё вилоят давлат архиви. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 183-йиғмажилд. 67-варақ.

[4] ЎзМА. Р-314 жамғарма, 1-рўйхат, 57-йиғмажилд, 19 – 20-варақлар.

яхши маълум. Шу билан бирга, архив ҳужжатларида янги-янги тафсилотларни учратиш мумкин. Масалан, уруш йилларида Тошкент шаҳри аҳолиси ташаббуси билан эвакуация қилинган болалар ва қизил армиячиларнинг фарзандлари, хусусан уларнинг ўта ночор аҳволда қолган қисми учун бепул болалар ошхоналари ташкил этилган. 1942 йил 8 июнда Тошкент областининг Қуйи Чирчиқ райони мутасаддилари область ижроия қўмитаси раиси Раҳматовга мурожаат қилиб, худди шундай ошхона ташкил этиш ниятлари борлигини билдирганлар ва бунинг учун 1942 йил учун ажратилган кредитлар ҳисобидан ёрдам берилишини сўраганлар[5]. Уларнинг мурожаатлари қабул қилинган. Албатта, бундай ошхоналар ташкил этиш учун биринчи навбатда бино ажратиш, уларни жиҳозлаш масаласи турган, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам осон бўлмаган. Чунки кўплаб архив ҳужжатларида аҳолининг нон билан таъминоти ўта қийин бўлганлигидан далолат беради. Шунга қарамай, халқимиз меҳр-шафқатни энг олдинги ўринга қўйган.

Ҳақиқатан ҳам, аҳолини нон билан таъминлаш қийин бўлганлиги сабабли нон қатъий равишда ўлчаб берилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, Тошкент области аҳолисига нонни бўлиб бериш тартиблари ҳақидаги архив ҳужжатларига кўра, бу иш қуйидагича амалга оширилган:

а) областнинг Чирчиқ районларидан[6] ташқари барча шаҳарлари ва районлари аҳолиси жон бошига кунига 600 граммдан;

б) Чирчиқ районлари аҳолиси жон бошига кунига 400 граммдан нон берилган;

в) Тошкент шаҳри ва областнинг Чирчиқ районларидан ташқари барча районлари аҳолиси учун бир йилга жон бошига 12 кгдан;

г) Чирчиқ районлари аҳолиси жон бошига йилига 9 кгдан дон-дун маҳсулотлари берилиши белгиланган[7].

Шуни эътиборга олиш керакки, архив манбаларида аҳолига бу тартибда давлат томонидан нон ва озиқ-овқатнинг бўлиб берилиши қаттиқ назоратга олинганлиги ҳам қайд этиб ўтилади. Масалан, Тошкент вилоятидаги 1-МТС (Машина-трактор станцияси) ишчиларига ажратилган озиқ-овқат ўз вақтида берилмаганлиги сабабли қилинган шикоят туфайли бу ишга масъуллар жавобгарликка тортилган[8]. Бу каби мисоллар уруш йилларида ҳар бир кишининг ҳақи эътиборда турганлигидан далолат беради.

Уруш йилларида Ўзбекистон ССРга уруш бўлаётган ҳудудлардан аҳолининг катта қисми билан биргаликда кўплаб болалар уйлари ҳам кўчириб келинди. Бу даврда Ўзбекистонда аҳолининг оғир аҳволига қарамай, болалар уйларининг моддий таъминотини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Ўша даврда Бухоро области таркибида бўлган Кармана районига оид архив манбаларида бу ҳақдаги маълумотлар келтирилган. Жумладан, район ижроия қўмитасининг 1943 йил 15 майда қабул қилган қарорида болалар уйларидаги аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган. Унга кўра, асосий эътибор болалар уйлари тарбияланувчиларини озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган. Жумладан, болалар уйларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган ёрдамчи хўжаликлар учун қўшимча 30 та қўй, 7 бош сигир, 60 та товуқ ажратиш белгиланган. Масалан, Кармана районининг Ворошилов совхозидаги биринчи ва учинчи болалар уйларига тегишли ёрдамчи хўжалик ерини ҳайдаш учун МТСдан икки

[5] Тошкент вилояти давлат архиви. 652-жамғарма, 1-рўйхат, 345-жамғарма, 66-варақ.
[6] Чирчиқ районлари деганда Ўрта, Юқори, Қуйи Чирчиқ районлари кўзда тутилган.
[7] Тошкент вилояти давлат архиви. 652-жамғарма, 1-рўйхат, 345-жамғарма, 93-варақ.
[8] Ўша жойда, 111-варақ.

кунга трактор жўнатилган, тарбияланувчилар учун 34 та қўй, 1300 кг сабзавотлар ажратилган. Шу билан бирга, колхозларга биринчи, иккинчи ва учинчи болалар уйлари учун 140 кг ёғ, 100 кг жўхори бериш топширилган. Болаларни устки ва оёқ кийим билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмаган ҳамда ҳар бир болалар уйи учун биттадан шифокор ажратилиб, уларнинг саломатлиги ва санитар аҳволи учун жавобгар этиб белгиланган. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши қаттиқ назорат остига олинган[9].

Архив ҳужжатлари орасида фронт чизиғидан Ўзбекистонга эвакуация қилинган қизилармиячиларнинг оилаларига ёрдам бериш тўғрисидаги юзлаб маълумотларни учратиш мумкин. Мисол тариқасида, Бухоро вилоятининг Кармана районида 1943 йилнинг 26 февралида қабул қилинган қарорда шу ҳақида тўхталиб, эвакуация қилинган оилаларга Фрунзе кўчасида жойлашган ётоқхонадан ўрин берилгани, аммо улар оғир аҳволда эканликлари, каравот ва ўрин-кўрпалар тақчиллиги, кун кўриш учун маблағлари йўқлиги айтиб ўтилган. Шу асосда уларни керакли буюмлар билан таъминлаш ва пул маблағлари ажратишга қарор қилинган[10]. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек оилаларининг ўзи асосан ерда ётган ва каравотлар тақчил бўлган бир даврда кўчириб келтирилганлар учун уларнинг ажратилиши халқимизнинг меҳрибон ва бағрикенг эканлигини кўрсатувчи кичик, аммо катта аҳамиятга молик далилдир.

Ўзбекистонликларнинг фронтга яна бир йирик ёрдами – уруш йилларида ойлик маошларининг катта қисмини фронт эҳтиёжлари учун сарфлаганларида намоён бўлган эди. Шу йўл билан ҳам фронтга жуда катта моддий ёрдам берилганлигини исботловчи ҳужжатлар жуда кўп. Кўп ҳолларда меҳнат жамоалари ўз маблағларини фронтга ёрдам тариқасида жўнатганлар. Биз катта-катта корхоналарнинг бу тарздаги ишларидан яхши хабардормиз. Аммо айланма маблағи нисбатан кам бўлган корхона ишчи-хизматчилари ҳам фронтдан ўз ёрдамларини аямаганлар. Масалан, Қарши шаҳридаги "Тикувчи" артели ходимларининг 1942 йил 9 майда ўтказилган мажлисида жамоа бир овоздан келишган ҳолда бир кунлик иш ҳақини фронтга ёрдам, яъни танк сотиб олиш учун ўтказишга қарор қилади[11]. 60 га яқин аъзолари бўлган ушбу жамоа шу йилнинг ноябрдаги йиғилишида эса икки кунлик иш ҳақини фронт эҳтиёжлари учун ўтказиб берилишини маълум қилган[12]. Айнан шу жамоа аъзолари кейинги йилларда ҳам турли усуллар орқали фронтга ёрдам берганликлари, Ўзбекистонда яшаётган, фронтолди ҳудудларидан келган аҳоли ва ҳарбий аскарлар ҳамда уларнинг оилаларига ўз хизматларини тақдим этганларини манбалардан кўриш мумкин. Умуман, бунга ўхшаш ҳолатлар акс этган кўплаб ҳужжатлар бошқа архив жамғармаларида ҳам учрайди.

Ўзбекистонликлар уруш давомида фронт ва ҳимоячиларга ўз ёрдамларини кўрсатиб борганликлари ўша давр матбуотида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Андижон области аҳолиси Ленинград ҳимоячилари учун жуда катта совға ҳозирлаган. Жумладан, областдаги "Коммунар", "Автотрактородеталь" заводлари ҳамда темир йўл жамоаси 12 минг рублдан кўп маблағ йиққанлар. Андижонлик пионерлар якшанба кунги меҳнатлари натижасида ишлаб топган 3 минг сўм маблағни аскарларга совға олиш учун топширганлар. Областдаги Ленин райони аҳолиси 10 минг рубл маблағ, қуруқ мевалар, гуруч, вино, тамаки ва 20 та қўйни фронт учун ажратган. Андижоннинг барча колхозчилари ленинградликларга 200 минг рублга тенг маблағ ҳадя қилганлар. Бундан

[9] Кармана шаҳар давлат архиви. Ш-2 жамғарма, 1-рўйхат, 59-йиғмажилд. 42-варақ.
[10] Кармана шаҳар давлат архиви. Ш-2 жамғарма, 1-рўйхат, 59-йиғмажилд. 110-варақ.
[11] Қашқадарё вилоят давлат архиви. 66-жамғарма, 1-рўйхат, 16-йиғмажилд. 7 – 8 варақлар.
[12] Қашқадарё вилоят давлат архиви. 66-жамғарма, 1-рўйхат, 16-йиғмажилд. 20-варақ.

ташқари, яна кўплаб совғалар ҳозирланган ва биринчи майда Ленинград ҳимоячилари учун 5 вагон совға-салом жўнатилган[13].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларида яралганган минглаб аскарлар даволаш мақсадида Ўзбекистон ССРга келтирилган. Масалан, биргина Тошкент областида бир вақтнинг ўзида 26 та эвакуация гоститаллари иш олиб борган ва уларнинг сони ўзгариб турган. 100дан ортиқ корхона, ташкилот ва институтлар уларга ҳомийлик қилган. Бу ерда даволанаётган аскарлар барча ноз-неъматлар, зарур ашёлар билан таъминланган, шунингдек уларга турли хизматлар кўрсатилган. Уларнинг орасида меҳнатга лаёқатлилари соғлиги тикланганидан сўнг иш билан таъминланган[14].

Кўриб ўтилганидек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳудудида бевосита жанг ҳаракатлари бўлиб ўтмаса-да, аммо фронт ортида ғалаба учун қизғин курашлар олиб борилди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ўзбек халқи уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб аҳолига бошпана берди, минглаб болаларни ўз бағрига олди. Уруш майдонларидан ярадор бўлиб қайтганларга мурувват кўрсатди. Ўзи қийин аҳволда бўлишига қарамай, ўзбек халқи фронт учун маблағини аямади. Бундан ташқари, фронт чизиқларида халқимизнинг минглаб фарзандлари бевақт ҳалок бўлди. Оғир кўргиликлар халқимизнинг қаддини бука олмади, аксинча, бу синовларни мардонавор енгиб, ўзининг юксак фазилатларини намоён қила олди. Буларнинг барчаси бизни аждодларимиз учун яна бир бор ҳақли равишда фахрланишга ундайди.

[13] В. Боровский. Поток подарков. Газета "Правда Востока". 16 апреля. 1942 г.
[14] Тошкент вилояти давлат архиви. 652-жамғарма, 1-рўйхат, 262-жамғарма, 6 – 11-варақлар.